

Ишда активларнинг, жумладан жорий активларнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган таркиби ишлаб чиқилди. Концептуал асослар, 1-сон БҲМС “Ҳисобот сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди. Амалда бухгалтерия балансида жорий активларни таркиби бўйича акс эттирилиши тадқиқ қилиниб, уларни такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, сатрларни қисқарти-

риш, товар моддий захираларни битта моддада бирлаштириш, дебиторлик қарзларини савдо ва носавдо турларга таснифлаш бўйича таклифлар келтирилди.

Бу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши жорий активлар ҳисоби ва ҳисботини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ҳисботларда акс эттирилаётган ахборотларнинг сифати ошишига хизмат қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagagi PQ-4611-sон “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” qarori. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. «Konseptualnie osnovi finansovoy otchetnosti» https://www.mnfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/konseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predisloviya_-kopiya.pdf
3. 1-son BHMS “Hisob siyosati va moliyaviy hisobot”. <https://lex.uz/nsbu>
4. 21-son BHMS “Xo’jalik yurituvchi subyektlar moliyaviy-xo’jalik faoliyatining buxgalteriya hisobi schyotlari rejasи va uni qo’llash bo'yicha Yo’riqnomasi” <https://lex.uz/acts/809350>
5. Accounting in english (pp.51) Publisher: Printed by : Dar Al-Dhiya for printing and Designs - 2 Ed, – Najaf – February 2019 <https://www.researchgate.net/publication/331287344 CHAPTER 4 CURRENT ASSETS>
6. <https://byjus.com/commerce/what-are-current-assets/>
7. Hosted by Neil Amato. Digital assets: Auditing, accounting, and what’s next December 3, 2021 <https://www.journalofaccountancy.com/podcast/cpa-news-digital-assets-auditing-accounting.html>
8. Karimov A.A., Kurbanbayev J.E., Jumanazarov S.A. Buxgalteriya hisobi. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. 624 b.
9. Tuychiyev A.J. va boshqalar, Audit. Darslik. – T.: Iqtisod-Moliya, 2019.- 416 b.
10. Nurmanov U.A. Joriy aktivlar hisobi va tahlilini takomillashtirish. // Iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya avtoreferati. – T., 2012-y. - 26 b.
11. Mavlyanova D.M. Joriy aktivlar hisobi, tahlili va auditini uslubiy jihatlarini takomillashtirish. // Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – T., 2020-y.

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Баракаев Отабек Отакулович -

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
Аудит услубиёти ва аудиторлик ташкилотлари
иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш
бўлими бошлиғи, Ph.D.



doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a25

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда Аудитнинг халқаро стандартларини қўллашнинг аҳамияти ўрганилган, Аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишдаги ёндашувлар таснифланган. Хорижий мамлакатларда Аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиши амалиёти ва жорий ҳолати юзасидан ҳуросалар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикасида Аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ва қўллаш борасидаги тадбирлар, унинг таркибига кирадиган ҳужжатлар, аудитнинг халқаро стандартларини тан олишининг ҳаракатлар изчилиги ва такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: аудит, аудиторлик ташкилотлари, аудитор, Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС).

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ АУДИТА

Баракаев Отабек Отакулович

Начальник отдела методологии аудита и внешнего
контроля качества аудиторских организаций Министерства
финансов Республики Узбекистан, PhD.

Аннотация. В статье рассматривается важность применения Международных стандартов аудита, исследуются подходы к внедрению Международных стандартов аудита, классифицируются выводы о практике и текущем состоянии внедрения Международных стандартов аудита в зарубежных странах, разрабатываются меры по внедрению и применению Международных стандартов аудита в Республике Узбекистан, включенные в него документы, рекомендации по последовательности действий по признанию Международных стандартов аудита и предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: аудит, аудиторские организации, аудитор, Международные стандарты аудита (МСА).

IMPROVING AUDITING IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL AUDITING STANDARDS

Barakaev Otabek Otakulovich

Head of the department of audit methodology and external quality control of audit organizations of the ministry of finance of the Republic of Uzbekistan, PhD.

Abstract. The article examines the importance of applying international audit standards are investigated, approaches to the implementation of international audit standards are classified. Conclusions about the practice and current state of implementation of international audit standards in foreign countries, measures are being developed to introduce and the application of international audit standards in the Republic of Uzbekistan, the documents included in it, recommendations on follow-up comprehensive actions for the recognition of international audit standards and proposals for their improvement.

Key words: audit, market audit, corporate governance, corporate governance system, audit organizations, auditor, international auditing standards (ISA).

Кириш. Ўзбекистонда глобаллашув шартида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, жаҳон молия бозорига интеграциялашувини тезлаштириш ва капитал бозори ҳамда ракамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланиб, аудиторлик фаолиятини замонавий тенденцияларга мувофиқлиги ни таъминлаш, аудитнинг халқаро стандартлари хуқуқий мақомини қонун даражасида белгилаш ва уни жорий этиш орқали аудитни халқаро миқёсда унификациялашни таъминлаш, аудиторлик текширувидан ўтадиган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий тизими ни жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобла нади.

Ўзбекистонда жаҳон молия бозорига интеграциялашувни тезлаштириш ва капитал бозорини янада ривожлантириш мақсадида чуқур таркибий иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сонли "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуни, корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги [1,2,3] қарорларининг қабул қилиниши республикамизда аудиторлик фаолиятининг норматив-хуқуқий базаси яратилиши, аудиторлик хизматлари бозорини янада ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланиши, халқаро стандартлар асосида фаолият юритиш натижасида иш сифатининг ошиши ва халқаро тармоққа аъзо бўлиши ҳамда аудиторларнинг профессионал билим ва малакаси ошишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда аудиторлик хизмати сифатининг ташқи назорати тартиби ва ахлоқ нормаларирига риоя этиш ривожланиш босқичида бўлгани ҳамда уни янада тақомиллаштириши талаб этганлиги сабабли республикада аудитнинг халқаро стандартини амалий қўллашни баҳолаш мураккаб эди. Мазкур масалалар қонунчилик даражасида тартибга солингандা, ушбу муаммо тўлиқлигича ҳал этилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда корпоратив бошқарувни тақомиллаштириш ва инвесторларнинг ишончини ошириш, шунингдек, молия бозорини ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун АҲСни жорий этиш ва инвесторларга шаффоғ ва тушунарли аудиторлик хуносасини тақдим қилиш орқали мамлакатимиз инвестиция жозибадорлигини ошириш мумкин.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ишончли ахборотлар билан таъминлаш аудиторлик хизматлари сифатини умумтан олинган халқаро стандартлар асосида амалга оширишни талаб этади, бу эса ўз навбатида, молиявий ахборотларнинг муҳимлигини оширади ва ахборот рискини камайтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аудиторлик фаолиятида АҲСни қўллаш масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борган хорижлик олимлар A.Arens, M.Beailey, R.Elder [4], А.Д.Шеремет [12], ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Р.Д.Дусмуратов, А.А.Каримов, М.М.Тўлахўжаева, Б.Қ.Ҳамдамов, А.З.Авлоқуллар [9, 10, 11, 13, 7] илмий асарларида АҲСнинг зарурати келтириб ўтилган.

Жумладан, А.Д. Шереметнинг асарларида трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, аудиторлик фирмаларининг интеграциялашви ва йирик халқаро гурухларга айланиши муносабати билан аудитни халқаро миқёсда унификация қилиш зарурати юзага келгани ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари икки мақсади: аудиторларнинг профессионаллик даражаси жаҳон даражасидан паст бўлган мамлакатларда аудиторлик касбининг ривожланиши-

га кўмаклашиш ва имкон қадар халқаро миқёсда аудитга муносабатни бирлаштириш экани таъкидланган [12]. Шунингдек, Р.Д.Дусмуратовнинг асарларида аудитнинг халқаро стандартлари халқаро миқёсда аудиторлик фаолиятининг сифати ва мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этишини [9], республикамиз худудида ташкил қилинган аудиторлик фирмаларининг кўрсатаётган хизматларидан чет эл сармоядорлари жуда оз фойдаланаётганлиги, негаки маҳаллий аудиторлик фирмалари тўла халқаро андозаларга мос равища ўз ишини йўлга кўя олмаётганини маҳаллий олим Б.К.Ҳамдамов асарларида учратиш мумкин [13].

Аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолиятидаги узоқ йиллик тажрибани бирлаштиради ва бутун дунёда аудиторликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади. АХС бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги дунёning етакчи мутахассислари, илғор мамлакатларнинг амалиётчи ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган кўп йиллик ишларнинг энг яхши натижаси сифатида шаклланди.

Шу муносабат билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан киритилган барча ўзгаришларни мунтазам янгилаб бориш билан АХС Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ягона стандарти сифатида қабул қилинди. АХСни жорий этиш аудитни халқаро миқёсда бирхиллаштиришни таъминлайди ва корпоратив бошқарув сифатини оширади ҳамда бу орқали аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларининг такомиллашуви, аудиторлик хизматларининг сифати ошиши ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини таъминлашга олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграция жараёнларининг ривожланиши билан халқаро миқёсда аудиторликни бирлаштириш зарурати туғилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида расмий аудиторлик текширувани ўтказища

фақат мустақил ташкилот – Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Аудитнинг халқаро стандартлари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида жамият йиллик молиявий ҳисоботни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шартлиги белгиланган [15].

Бироқ бугунгача АХСнинг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланмаганлиги айrim муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, халқаро стандартларни қўллашнинг мумкинлиги ва унинг қонунийлиги бўйича айrim ноаниқликлар пайдо бўлди, бу, ўз навбатида, баъзи субъектлар томонидан уларни қўллаш бўйича шубҳа остига қўйилди. Ваҳоланки, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви АХСни қўллашни заруратга айлантирмоқда, бу эса ўз навбатида, уларни қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиши талаб этади.

Тадқиқот методикаси. Аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ва тан олиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, халқаро тажрибани ўрганиш, қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Аудиторлик хизматларини кўрсатиш тартиби Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) билан тартибга солиниб, АХС кучга киргунга қадар 21 та АФМСдан фойдаланиб келинган. Илмий тадқиқот ишида АФМС ва АХС ўртасидаги асосий фарқли жиҳатлар келтириб ўтилган (1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари(АФМС) ва Аудитнинг халқаро стандартлари(АХС)нинг фарқли жиҳатлари

Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС)
АХС Халқаро бухгалтерлар федерацияси (ХБФ)нинг Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари қўмитаси (IAASB) томонидан ишлаб чиқилади	АФМС Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган
АХС аудиторлик текширувани ягона принциплар асосида ўтказишни таъминлайди.	АФМС аудиторлик текшируви ва этика кодексининг барча принципларини қамраб олмаган .
АХС дунё бизнес тили – инглиз тилида нашр этилади , барча учун тушунарли.	АФМС ўзбек ва рус тилларида нашр этилган бўлиб , халқаро аудиторлик ташкилотлари қўллай олмайди.
Хорижий инвесторлар АХС асосида тузлган аудиторлик хulosасини тан олади ва талаб қиласиди	АФМС асосида тузилган аудиторлик хulosаларидан фойдаланувчилар доираси кам
АХС хужжатлари тўпламига қўйидагилар киради:	
✓ Сифат назоратининг халқаро стандартлари СНХС (1-99);	
✓ Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) (100-999);	

BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT

<ul style="list-style-type: none"> ✓ Халқаро аудит амалиёти изоҳлари; ✓ Кўриб чиқишнинг халқаро стандартлари (2000-2699); ✓ Ишонч билдиришнинг халқаро стандартлари (3000-3699); ✓ Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (4000-4699). <p>АХС жами 48 та стандарт тўпламидан иборат</p> <p>АХСда аудиторлик текшируви босқичларига тегишли стандартлар бўлимларга ажратилган.</p> <p><i>Мисол:</i> 200-299 – Умумий принциплар ва мажбуриятлар</p> <p>Аудиторлик текширувининг барча босқичлари жами 48 та стандартда қамраб олинган</p> <p>Халқаро амалиётдан келиб чиқсан ҳолда ҳар йили IAASB томонидан АХСга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиб борилади</p>	<p>Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (1-99)</p> <p>АФМСда жами 21 та стандарт мавжуд</p> <p>Мавжуд эмас</p> <p>21 та АФМСда аудиторлик текшируви жараёни ва унда кўлланиши лозим бўлган барча амаллар қамраб олинмайди</p> <p>Ўзгартириш ва қўшимчалар камдан-кам ҳолда киритилади</p>
---	---

Манба: Муаллиф ишланмаси [8].

Молиявий ҳисобот, аудит ва ахлоқнинг юқори сифатли стандартлари – инвесторларнинг молиявий ва номолиявий ахборотга ишончини оширади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий

ривожлавниши ва молиявий барқарор-лигига асосий ўрин касб этади. АФМС ва АХСининг қиёсий таҳлили қуидаги жадвалда келтириб ўтилган (2-жадвал).

2-жадвал

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) ва Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)нинг қиёсий жадвали

Сифат назоратининг халқаро стандартлари СНХС (1-99)	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (1-99)
1-сонли СНХС. Молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш ва аудит ўтказиша ҳамда бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматлар кўрсатиша фирмалар учун сифат назорати	5-сонли АМС. Аудитор иши сифатини назорат қилиш
Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) (100-999)	
200-299 – Умумий принциплар ва мажбуриятлар	
200-сонли АХС. Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудиторлик текширувани Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиши	Мавжуд эмас
210-сонли АХС. Аудиторлик текшируви хизматлари шартларини келишиш	Мавжуд эмас
220-сонли АХС. Молиявий ҳисоботлар аудитнинг сифат назорати	Мавжуд эмас
230-сонли АХС. Аудитни ҳужжатлаштириш	6-сонли АМС. Аудитни ҳужжатлаштириш
240-сонли АХС. Молиявий ҳисоботлар аудитида фирибгарлик ҳолатида аудиторнинг мажбуриятлари	Мавжуд эмас
250-сонли АХС. Молиявий ҳисоботлар аудитида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга амал қилиш	25-сонли АФМС. Аудиторлик текшируви ўтказиша норматив-хуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш
260-сонли. Бошқарув юклатилган шахслар билан ахборот алмашинуви	Мавжуд эмас
265-сонли. Ички назоратдаги камчиликлар юзасидан бошқарув юклатилган шахслар ва раҳбарият билан ахборот алмашинуви	Мавжуд эмас
300-499 - Таваккалчиликларни баҳолаш ва баҳоланган таваккалчиликларга жавоб ҳаракатлар	
300-сонли АХС. Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш	3-сонли АМА. Аудитни режалаштириш
315-сонли АХС. Жиддий хатолар таваккалчилигини тадбиркорлик субъекти ва унинг бизнес муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш	12-сонли АФМС. Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш. 9-сонли АМС. Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги. 31-сонли АФМС. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув – қисман
320-сонли АХС. Аудитни режалаштириш ва бажарища муҳимлик	9-сонли АМС. Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги – қисман
330-сонли АХС. Баҳоланган таваккалчиликларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари	24-сонли АФМС. Молиявий ҳисоботда бузилишлар аниқланганда, аудиторлик ташкилотининг ҳаракати – қисман

BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT

Сифат назоратининг халқаро стандартлари CHXC (1-99)	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (1-99)
402-сонли АХС. Хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматларидан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектларида аудит ўтказиш жиҳатлари	Мавжуд эмас
450-сонли АХС. Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган хатоларни баҳолаш	Мавжуд эмас
500-599 – Аудиторлик далиллар	
500-сонли АХС. Аудиторлик далиллари	50-сонли АФМС. Аудиторлик далиллари
501-сонли АХС. Аудиторлик далиллари – танланган тўпламни маҳсус кўриб чиқиш	50-сонли АФМС. Аудиторлик далиллари
505-сонли АХС. Ташқи тасдиқномалар	55-сонли АФМС. Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари – қисман
510-сонли АХС. Дастребаки аудит келишувлари – бошлангич баланс	Мавжуд эмас
520-сонли АХС. Таҳлилий тартиб-таомиллар	13-сонли АМС. Таҳлилий тадбирлар
530-сонли АХС. Аудиторлик танлаш	14-сонли АМС. Аудиторлик танлаш
540-сонли АХС. Ҳисоблаб чиқилган баҳолар, шу жумладан, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисоблаб чиқилган баҳолар ва улар билан боғлиқ ёритиб бериладиган маълумотлар	Мавжуд эмас
550-сонли АХС. Ўзаро боғлиқ томонлар	55-сонли АФМС. Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари
560-сонли АХС. Кейинги ҳодисалар	56-сонли АФМС. Молиявий ҳисбот тузилган санадан кейинги ҳодисалар
570-сонли АХС. Фаолиятнинг узлуксизлиги	Мавжуд эмас
580-сонли АХС. Ёзма баёнотлар	Мавжуд эмас
600-699 – Бошқа шахслар ишидан фойдаланиш	
600-сонли АХС. Маҳсус кўриб чиқишлар – гурӯҳ молиявий ҳисботларининг аудити (жумладан, компонент аудиторлари ишлари)	60-сонли АФМС. Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш
610-сонли АХС. Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш	Мавжуд эмас
620-сонли АХС. Аудитор томонидан жалб этилган эксперт ишидан фойдаланиш	16-сонли АМС. Эксперт ишидан фойдаланиш
700-799 – Аудиторнинг хулосалари ва ҳисботлари	
700-сонли АХС. Молиявий ҳисботлар тўғрисида фикр ва хулоса бериш	70-сонли АФМА. Аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисбот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси
701-сонли АХС. Мустақил аудитор хулосасида асосий аудит масалаларида ахборот алмашиш	70-сонли АФМА. Аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисбот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси – қисман
705-сонли АХС. Мустақил аудитор хулосасида фикрни модификациялаш	70-сонли АФМА. Аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисбот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси – қисман
706-сонли АХС. Мустақил аудитор хулосасида тушунтириш бандлари ва бошқа масалалар бўйича бандлар	70-сонли АФМА. Аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисбот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси – қисман
710-сонли АХС. Қиёсий ахборот – қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий ҳисботлар	Мавжуд эмас
720-сонли АХС. Бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги	10-сонли АМС. Молия ҳисботи таркибида бошқа маълумотлар – қисман
800-899 – Маҳсус соҳалар	
800-сонли АХС. Маҳсус масалалар – маҳсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисботлар аудити	80-сонли АФМС. Маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисботи
805-сонли АХС. Маҳсус масалалар – айрим молиявий ҳисботлар ҳамда молиявий ҳисботдаги маҳсус элементлар, счёtlар ёки моддалар аудити	80-сонли АФМС. Маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисботи
810-сонли АХС. Жамланган молиявий ҳисботлар бўйича ҳисбот (хулоса) тақдим этиш келишувлари	Мавжуд эмас
Халқаро аудит амалиёти изоҳлари	Мавжуд эмас
1000-сонли ХААИ. Молиявий инструментларни аудитдан ўтказиша маҳсус жиҳатлар	Мавжуд эмас
Кўриб чиқишининг халқаро стандартлари (2000-2699)	Мавжуд эмас
2400-сонли. Тарихий молиявий ҳисботни кўриб чиқишидан келишувлар	Мавжуд эмас
2410-сонли. Ташкилотнинг мустақил аудитори томонидан тузилган оралиқ молиявий маълумотни кўриб чиқиш	Мавжуд эмас

BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT

Сифат назоратининг халқаро стандартлари CHXC (1-99)	Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (1-99)
Ишонч билдиришнинг халқаро стандартлари (3000-3699)	Мавжуд эмас
3000-3399 - Ишонч билдириш хизматлари	Мавжуд эмас
3000-сонли. Тарихий молиявий маълумотни кўриб чиқиш ёки аудитдан ўтказишида бошқа ишонч билдириш келишувлари	Мавжуд эмас
3400-3699 - Махсус мавзули стандартлар	Мавжуд эмас
3400-сонли. Келгуси молиявий маълумотларни текшириш	Мавжуд эмас
3402-сонли. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларда ишонч ҳисоботлари устидан назорат	Мавжуд эмас
3410-сонли. Иссиқхона газ ҳисоботлари бўйича ишонч келишувлари	Мавжуд эмас
3420-сонли. Келгусидаги амалий-молиявий маълумотларни йиғиш бўйича ишонч келишувлари ҳисоботи	Мавжуд эмас
Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (4000-4699)	
4400-сонли. Молиявий маълумотлар келишилган амаллари бўйича келишув	90-сонли АФМС. Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари – қисман
4410-сонли. Келишувни якунлаш	Мавжуд эмас

Манба: Муаллиф ишланмаси [8].

АФМСлар барчаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2021 йил 2 июлдаги 43-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айrim идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами – 3316, 30.07.2021 й.) асосан ўз кучини йўқотган [15].

Бугунги кунда инвестор қайси мамлакатда молиявий ҳисоботлар тўғри ва ишончли тузилган бўлса, у ўз инвестицияларини ушбу мамлакатга йўналтиromoқда ва бундан кўп томонлама манфаат кўрмоқда. Молиявий ҳисоботларнинг сифатига эса мустақил аудиторлик ташкилотининг АХС асосида тузилган ишончли хулоаси асос ҳисобланади.

Умумий халқаро стандартлар тўпламидан фойдаланиш инвестор, регулятор ва аудиторлик ташкилотлари учун фойдали ва қулай бўлиб бормоқда.

Инвесторлар камдан-кам ҳолатда фаолиятини ўз мамлакатлари чегараси доирасида амалга оширадилар. Улар инвестиция киритиш имкониятларини қидирадилар ва глобал портфолио натижаларини кузатиб бориб, халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ахборотдан фойдаланишдан манфаатдор бўладилар. Агар улар кўриб чиқадиган молиявий ахборот умумфойдаланадиган халқаро стандартлар асосида тайёрланган ва аудиторлик текширувидан ўтган бўлса, улар инвестиция киритган компаниянинг шу молиявий ахборотига кўпроқ ишонадилар ва яхшироқ тушунадилар.

Инвестор ишончи дунё молия бозорини самарали бошқариш ва иқтисодий рривожланиш ҳамда дунё бўйлаб барқарорликни таъминлашда асосдир. Инвестор сармоясини жойлаш-

тириш қароридан олдин у молиявий ахборот ишончли ва асосланган бўлишини билиши лозим. Бунга эришишда молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хulosаси муҳимдир. Молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги учун асосий жавобгар корхона раҳбарияти бўлиб, ташқи аудиторлар ушбу ҳисоботлар сифатининг ишончлилигини мустақил ҳолатда тасдиқлайдилар.

Аудиторлик ташкилотлари учун эса АХСнинг афзалликлари шундан иборатки, бунда умумий аудит ёндашувини кўллаш ҳамда ушбу ёндашувнинг тегишили стандартларга мос келишини билиш билан боғлиқ бўлиб, бу бошқа жиҳатдан ҳам аудиторлик ташкилотлари учун ҳам фойдалидир. Агар аудиторлик ташкилотининг чет эл филиаллари бўлган мижозлари бўлганда, маҳаллий аудиторлар томонидан қўлланиладиган одатий меъёрлар халқаро аудиторлик стандартлари билан бир хил бўлса, чет эл аудиторларига кўрсатма бериш ва уларнинг ишларига ишониш осонлашади.

АХСнинг энг асосий тавсифи сифат ҳисобланади. Бунинг учун сифат нимани англатиши ва унга қандай эришиш мумкинлигини тушуниб олиш лозим. Сифатли стандартлар тушунарли ва аниқ принципларга асосланиши керак. Улар изчил изоҳлана олиниши ҳамда бандма-банд мукаммал таржима қилина олиниши, мажбурий кўллаш ва юқори сифатли аудитга эришиш учун ишлаб чиқилган бўлиши керак. Энг муҳими улар халқаро аҳамиятга молик, жиддий қизиқиши уйғотадиган, қатъий тартибда олиб борадиган халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилиши лозим. Бу ташкилот Аудит ва ишонч билдиришнинг халқаро стандартлари кенгаши (IAASB) ҳисобланади.

Мазкур ташкилот Халқаро бухгалтерлар

федерацияси (ХБФ, IFAC)нинг кенгашларидан бири ҳисобланади. ХБФ профессионал бухгалтерлар касби вакилларининг бутунжаҳон профессионал ташкилоти бўлиб, юқори сифатли халқаро стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва жорий этишга ўз ҳиссасини қўшиш орқали жамият манфаатларига хизмат қилишидир. Ушбу ташкилот 1977 йилда таъсис этилган бўлиб, жаҳоннинг 130 та мамлакатида 175 та ҳақиқий ва уюшган аъзоларига эга. У ўзида давлат сектори, саноат, савдо ва таълим муассасаларида банд бўлган уч миллион нафар профессионал бухгалтерлар (аудиторлар)ни бирлаштиради.

ХБФ тўртта мустақил кенгашнинг стандартлар ишлаб чиқиш фаолияти ва жараёнларини тъминлайди. Мазкур кенгашлар:

Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгashi (IAASB);

Бухгалтерлик таълим мининг халқаро стандартлари бўйича кенгashi (IAESB);

Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари бўйича кенгashi (IESBA);

Давлат секторидаги бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгashi (IPSASB).

ХБФнинг стандартларни белгилаш бўйича мустақил кенгашлари (IAASB, IAESB, IESBA ва IPSASB) **қуийдаги хужжатларни нашр этади:**

➤ Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ кодекси;

➤ Аудит, кўриб чиқиш, ишонч билдириш бўйича бошқа хизматлар ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари [6];

➤ Таълимнинг халқаро стандартлари;

➤ Давлат секторидаги бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари.

Мустақил кенгашлар фаолияти Жамият манфаатлари назорати кенгashi томонидан назорат қилинади.

ХБФ кенгашлари томонидан нашр этиладиган стандартларни тан олиш ва қўллаш ХБФнинг нашрларини қўпайтириш сиёсатига (Reproduction policy statement) амал қилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу талабга мувофиқ, ХБФ нашрларидан фойдаланиш учун он-лайн сўровнома тўлдириб юборилади. Ушбу сўровномага мувофиқ, ХБФ, агар нашрлар (стандартлар)дан расмий фойдаланиш керак бўлса, нашрлардан фойдаланиш ва уларнинг давлат тиридаги таржимасига доир шартнома юборади ҳамда нашрларни таржима қилиш сиёсатига (Translation policy statement) амал қилган ҳолда таржима қилинади. Таржима қилинган стандартлар маҳсус кенгаш томонидан кўриб чиқилиб, ХБФ ва тегишли ваколатли органнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади ва бу ХБФ томонидан таржиманинг расмий тан олингани ва нашрлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Нашрларини қўпайтириш сиёсатига мувофиқ, ХБФ нашрлардан фойдаланишда 1886 йилги Берн конвенциясига кирган мамлакатлар билан шартнома қилинади. Берн конвенцияси 1886 йил Парижда тузилган бўлиб, 2020 йил 15 январь ҳолатига 177 та мамлакат қўшилган. Ўзбекистон 2005 йил 19 апрель куни ташкилотга кирган [5].

Халқаро бухгалтерлар федерацияси аъзоларининг мувофиқлаштириш дастури томонидан ийғилган маълумотлар кўрсатадики, бугунги кунда Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгashi томонидан ишлаб чиқилган АХС дунё бўйлаб кўпгина мамлакатларда қабул қилинмоқда.

ХБФ Мувофиқлаштириш дастурига мувофиқ, АХСни жорий этиш қуийдаги ёндашувлар асосида таснифланган:

• **қонунчилик талаби асосида** (required by law) – мамлакат қонунчилигига молиявий ҳисоботлар аудитини Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгashi томонидан ишлаб чиқилган АХС бўйича ўтказиш талаб этилади;

• **АХСни тўғридан-тўғри қабул қилиш асосида** – мамлакат томонидан АХСнинг тўғридан-тўғри аудит стандартлари деб қабул қилиниши (бунда алоҳида аудитнинг миллий стандартлари мавжуд бўлмайди);

• **АХСни миллий стандартлар сифатида тан олиш асосида** – АХС миллий стандарт сифатида қабул қилинган бир пайтда унга миллий модификациялар (тузатишлар) қилинади. Агар шундай тартибда қабул қилинса, бунда модификациялар Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгашининг Модификация сиёсатига мувофиқ бўлиши лозим;

• **бошқалар** – баъзи ҳолатларда АХСни қабул қилиш жараёни ва уларни маҳаллий тилга ўғириш муддатлари АХСни чоп этиш даври билан мувофиқ келмаслик ҳолатлари мавжуд бўлadi. Бошқа ҳолатларда эса баъзи юрисдикцияларда кўрсатилганидек, миллий стандартлар АХСга “асосланган” ёки “бир хил” дейилиши қанчалик Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгashi томонидан ишлаб чиқилган Модификация сиёсатига тўғри келиши аниқ эмас. Ушбу ҳолатларда АХСни конвергенция қилиш мақсад қилиб қўйилган, аммо бу мақсадга эришиш учун катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозим.

Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо мамлакатларда аудитнинг халқаро стандартлари ЕИнинг мажбурий аудит тўғрисидаги 2006/43/ЕИ-сонли директивасининг ўзгартирилган 2014/56/ЕИ-сонли директиваси ва 537/2014-сонли низомга (ЕИ) асосан “Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг мажбурий аудит ўтказадиган

аудитор ва аудиторлик ташкилотлари мажбурий аудитни Европа Комиссияси (ЕК) томонидан нашр этилган аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ амалга оширади”.

ЕИга аъзо мамлакатлар қуидаги сабабларга кўра расмий равища ЕК томонидан чол этилган АХСни ўзгартиришсиз ёки камроқ миллий ўзгаришлар билан ихтиёрий равища миллий даражада жорий этмоқда:

- баъзи ЕИ мамлакатлари, жумладан, йирик мамлакатлар ҳам АХСни ҳали ихтиёрий равища қабул қилинмаган ва улар ЕКнинг қабул қилиш таклифини кутишяпти (Франция, Герма-

ния ва Португалия);

- ЕИнинг қабул қилиш механизмисиз янги ва ўзгартирилган АХС ҳар хил вақтда қабул қилиниши мумкин ёки маълум бир стандартлар ЕИда тўлиғича гармонизациянинг кучли таъсирдан баъзи юрисдикцияларнинг барчасида қабул қилинмаган;

- ЕИ кенг мувофиқлик ва ҳамкорликда АХС таржимасининг сифати ва мувофиқлигига кафолат берадиган жуда самарали механизмни яратса олмаган.

3-жадвал

Европа Иттифоқида АХСни аудиторлик текширувларининг барча турлари учун қабул қилинганлик ҳолати

Давлатлар	Жорий этганлик ҳолати	Сони
Австрия, Бельгия, Болгария, Хорватия, Кипр, Чехия Республикаси, Германия, Эстония, Финляндия, Греция, Венгрия, Ирландия, Италия, Латвия, Люксембург, Мальта, Литва, Нидерландия, Польша, Руминия, Словакия Республикаси, Словения, Испания, Швеция, Буюк Британия	АХСни ўзгартиришсиз жорий этган	5
Франция, Германия, Португалия	Европа Комиссиясининг жорий этиш бўйича таклифи кутилмоқда	
Жами:	28	

Манба: Overview of ISAs adoption in the EU FEE Survey.

Осиё мамлакатларидан АХСнинг қабул қилинганлик ҳолати бўйича Хитой Халқ Республикаси, Япония, Қозоғистон, Россия Федерацияси каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартларига қуидагилар киради:

- аудитнинг халқаро стандартлари;
- сифат назоратининг халқаро стандартлари;
- таҳлилий текширишларнинг халқаро стандартлари;
- ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари;
- турдош хизматларнинг халқаро стандартлари [8].

- Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

- аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш учун ХБФ билан шартнома тузиш;
- аудитнинг халқаро стандартларини давлат тилига таржима қилиш учун унинг инглиз тилидаги матнини ХБФдан расмий равища қабул қилиш;

- аудитнинг халқаро стандартлари матнини давлат тилига таржима қилиш;

- таржима қилинган аудитнинг халқаро стандартлари матнини аудиторлик ташкилотлари, эксперталар, илмий ва педагогик жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилиб бориш;

Молия вазирлиги ташкил этган комиссия томонидан аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнини инглиз тилидаги матнига мувофиқлигини кўриб чиқиш;

таржима қилинган аудитнинг халқаро стандартларини таржима қилиш тартибида мувофиқлигини тасдиқлаш учун ХБФга юбориш;

ХБФ томонидан таржима қилиш тартибида мувофиқлиги тасдиқланган аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун Молия вазирининг тан олиш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш;

аудитнинг халқаро стандартларини Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш [8].

ХБФ билан тузилган шартномага мувофиқ, ХБФдан расмий равища қабул қилинган аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнини Молия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали жамоатчиликка тақдим этиб борилади.

Таржима қилинган аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнини Молия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали жамоатчиликка тақдим этиб борилади.

Жамоатчилик вакилларидан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнининг инглиз тилидаги матнига мувофиқлигини кўриб чиқиш учун Молия вазирлигига комиссия тузилади.

Комиссиянинг таркиби ва регламенти Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссиянинг таркиби бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари, аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланувчилар, аудиторлик ташкилотлари, халқаро экспертлар, илмий жамоатчилик вакилларидан иборат бўлиб, камида беш нафарни ташкил этади.

Аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнининг инглиз тилидаги матнига мувофиқлиги бўйича комиссиянинг хулосаси асосидаги Аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги таржимаси ХБФга таржима қилиш жараёнига амал қилингани бўйича тасдиқни олиш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси худудида аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш тўғрисидаги қарор Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси худудида аудитнинг халқаро стандартларини амалга киритиш тўғрисидаги қарори ХБФ томонидан таржима қилиш жараёнига мувофиқлиги тасдиқлангандан сўнг қабул қилинади.

Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун тан олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун тан олиш тўғрисидаги буйруғи расмий эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун тан олиш тўғрисидаги буйруғи ва аудитнинг халқаро стандартлари матнлари Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Агар аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матни билан унинг инглиз тилидаги матни ўртасида фарқ аниқланса, манбаатдор шахслар давлат тилидаги матнига аниқлик киритиш учун Молия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин [8].

Молия вазирлиги аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнига аниқлик киритиш учун уни комиссияга қайта кўриб чиқиш учун юборади.

Комиссия ушбу фарқ тасдиқлангандан сўнг белгиланган тартибда аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матнига тегишли тушунтириш бериш учун Молия вазирлигига хулоса беради.

Молия вазирлиги аудитнинг халқаро стандартлари давлат тилидаги матни доимий равища янгиланиб борилишини таъминлайди [8].

Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ишончли ахборот билан таъминлаш аудиторлик хизматлари сифатини умумтан олинган **халқаро стандартлар** асосида амалга оширишни талаб этади, бу эса ўз навбатида, молиявий ахборотнинг муҳимлигини оширади ва маълумот рискини камайтиради. Шу ва юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонунининг **9-моддаси** шакллантирилиб, АХС билан боғлиқ норма киритилди [8]. Бу АХСни Ўзбекистонда қонунчилик талаби асосида (required by law) тан олиш хисобланади. Унга мувофиқ, Халқаро бухгалтерлар Федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартларидир [8].

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар Федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги руҳсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар. Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ишончли ахборотлар билан таъминлаш учун аудиторлик хизматлари сифатини умумтан олинган халқаро стандартлар асосида амалга ошириш лозим. Бу эса ўз навбатида, молиявий ахборотларнинг муҳимлигини оширади ва ахборот рискини камайтиради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, аудиторлик фаолиятини умумтан олинган тамойилларга асосланган аудитнинг халқаро стандартлари, ХБФнинг Мувофиқлаштириш дастурига мувофиқ, қонунчилик талаби асосида (required by law), яъни мамлакат қонунчилигига молиявий ҳисоботлар аудитини Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилган АХС бўйича ўтказишни талаб этадиган ёндашув асосида қабул қилинди.

Аудитнинг халқаро стандартлари ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланиб, замонавий талаблар ва халқаро принциплар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-хуқуқий механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуннинг 9-моддасига аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари сифатида АХС киритилди. АХСни жорий этиш аудитни халқаро миқёсда бирхиллаштиришни таъминлади ва корпоратив бошқарув сифатини оширди ҳамда бу орқали республикада аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашуви, аудиторлик хизматлари сифатининг ошиши ва ишбилиармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини таъминлашга олиб келди.

Шу билан биргаликда, қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз:

Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Бухгалтерларнинг халқаро одоб-ахлоқ стандартлари кенгаши томонидан эълон қилиндиган

ган Профессионал бухгалтернинг халқаро одоб-ахлоқ кодекси;

Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Бухгалтерия таълими халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилиндиган **Халқаро таълим стандартларини жорий этиши.**

Аудиторлик фаолияти соҳасини қўйидагилар орқали босқичма-босқич рақамлаштириб бориш:

бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисбот, солиқ ва аудитга доир ишчи ҳужжатларни анъанавий қофозга асосланган шаклдан электрон шаклга ўтказиш;

“Мижозини билиш” электрон тизими (*eKnow Your Costumer -eKYC*)ни жорий этиш;

“Аудит” дастурий мажмуасига аудиторлик фаолиятига доир маълумотларни узлуксиз киритиб бориш.

Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилот ва мамлакатлар билан шартномалар тузишда маҳаллий аудиторлик ташкилотларининг хулосалари тан олинишини назарда тутувчи талабларни киритиши.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., *Auditing and Assurance Services*, 14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.
5. Berne Convention for the Protection of Literary and Artistic Works Berne Convention (1886), completed at Paris (1896), revised at Berlin (1908), completed at Berne (1914), revised at Rome (1928), at Brussels (1948), at Stockholm (1967) and at Paris (1971), and amended in 1979 (Berne Union), Status October 1, 2020.
6. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, And Related Services Pronouncements, Volume I-III includes the IAASB's, The International Federation of Accountants (IFAC), 2020.
7. Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (Dsc) дисс.автореферати. / Тошкент молия институти. – Т., 2019. – 72 б.
8. Баракаев О.О. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида аудит: назария, методология ва амалиёт. Илмий монография. – Т.: Chinor fayzi baland, 2021. – 288 б.
9. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.
10. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 152 б.
11. Тўлахўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – 193 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисбот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришининг услубий асослари. Дис. и.ф.д. – Т., 2007. – 260 б.
12. Шеремет А.Д., Сийц В.П. Аудит. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 456 с.
13. Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисбот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришининг услубий асослари. Дис. и.ф.д. – Т., 2007. – 260 б.
14. www.ifac.org
15. www.lex.uz